

Тазкия дарслари (100-дарс). Муҳосаба



13:02 / 29.08.2020 5811

(иккинчи мақола)

Учинчи мақом муҳосаба

Муҳосаба – амалдан сўнг нафсни ҳисоб-китоб қилишдир. Нафсни тергаб туриш ўта фазилатли ишдир. Бу ишга Аллоҳ таоло амр қилган.

Аллоҳ таоло Ҳашр сурасида марҳамат қилади:

لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ مَا نَفْسٌ وَلْتَنْظُرْ أَلَّهُ أَنْفَعُوا أَمْثُوا الَّذِينَ يَتَأْتِيهَا

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглар! Ҳар бир жон эртанги кун учун нима тақдим қилганига назар солсин» (18-оят).

«Эртанги кун»дан мурод, қиёмат. Қиёмат нисбатан жуда яқин вақт, шунинг учун ҳам у «эрта» дейилади. Демак, ҳар бир инсон қиёмат куни учун нима иш қилганини ўйлаб қўйиши керак.

Албатта, қиёмат куни мол-дунё, мансаб, насаб, ёр-дўст ёрдам бера олмайди, балки иймон, Ислом ва қилинган яхши амаллар ёрдам беради. Шунинг учун ҳар бир одам қиёматга тайёргарлигини кўриб қўйиши керак.

Бунда ўтган ишларни ҳисоб-китоб қилиб туришга амр бор. Шунинг учун ҳам ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу: «Ҳисоб-китоб қилинишингиздан олдин ўзингизни ўзингиз ҳисоб-китоб қилинг. Амалларингиз тортилишидан олдин ўзингиз тортинг», деган.

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

﴿قُلِ احْسِبُوا لَكُمْ الْمُؤْمِنُونَ أَرْبَابًا كَمَا كَانُوا لَكُمْ رَبًّا وَرَبُّوهُ﴾

«Барчангиз Аллоҳга тавба қилинг, эй мўминлар! Шоядки, зафар топсангиз» (31-оят).

Тавба хато ва айб саналган амални қилиб бўлгандан кейин унга афсус-надомат чекишдан бошланади.

هُوَ أَيُّهَا أَيُّهَا: لَأَقْمَلِسُوهُ لَعَلَّ يَصْرَهْ لَلْأُسْرَى: أَمْ هُنَّ عُلَلْ لِيَضْرَرْمَعَنْ بِنَعْمَلْسُ مْ هَاوْر. «رَمَّ ءِئَامَ لِمَوِيْلَ يَفُ بُوْتَأَيِّنَ إِفْءَلْ لْأُوْبُوْتُ سَأَنَلْ لِي ذِمَّرْتَلْ أُو»

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй одамлар! Аллоҳга тавба қилинглар! Мен ҳар куни Унга юз марта тавба қиламан», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

هُوَ أَيُّهَا أَيُّهَا: لَأَقْمَلِسُوهُ لَعَلَّ يَصْرَهْ لَلْأُسْرَى: أَمْ هُنَّ عُلَلْ لِيَضْرَرْمَعَنْ بِنَعْمَلْسُ مْ هَاوْر. «رَمَّ ءِئَامَ لِمَوِيْلَ يَفُ بُوْتَأَيِّنَ إِفْءَلْ لْأُوْبُوْتُ سَأَنَلْ لِي ذِمَّرْتَلْ أُو»

Ағарр ал-Музаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, қалбимни булут босади. Ва албатта, мен Аллоҳга бир кунда юз марта истиғфор айтаман», дедилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида марҳамат қилади:

﴿مُبْصِرُونَ هُمْ فَإِذَا تَذَكَّرُوا الشَّيْطَانَ مِنْ طَيْفٍ مَسَّهُمْ إِذَا اتَّقَوْا الذِّبْنَ إِنَّ﴾

«Қачон тақво қилувчиларга шайтондан бир шарпа етса, улар албатта зикр қиларлар, бас, қарабсанки, улар кўрувчи бўлиб турибдилар» (201-оят).

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу кеч кирса, ўз оёғига дарра билан ура туриб: «Бугун нима иш қилдинг?» дер экан.

Маймун ибн Меҳрон дейди: «Ўзини ўзи шеригидан кўра қаттиқроқ тергамаган одам тақводорлардан бўла олмайди. Ишни қилиб бўлгандан кейин шериклар бир-бирларини тергайдилар-ку!»

Абдуллоҳ ибн Саломнинг бир боғлам ўтин орқалаб кетаётганини кўрганлар: «Эй Абу Юсуф! Болаларинг ва ғуломларинг кўтарса ҳам бўларди-ку?» дедилар.

«Нафсимни текшириб кўрмоқчи бўлдим, қани, ёқтирармикан ёки йўқми» деди у.

Ҳасан Басрий: «Мўмин киши ўз нафсини Аллоҳ таоло учун тергаб туради. Бу дунёда ўзларини тергаб турган қавмларнинг у дунёда ҳисоби осон бўлади. Бу дунёда ишни ҳисоб-китобсиз қилганларнинг ҳисоби қиёмат кунини машаққатли бўлади», деган.

«Ва маломатчи нафс билан қасам» оятининг тафсирида Ҳасан: «Мўминнинг фақат нафсини маломат қилиб турганини кўрасан: “Бу сўзим ила нимани ирода қилдим?», «Бу еганим ила нимани ирода қилдим?», «Бу ичганим ила нимани ирода қилдим?..» Фожир эса ўзини ўзи тергамай кетаверади», деган.

(Давоми бор)

«Руҳий тарбия» китобидан